Янги йилингиз кутлуг бўлсин!

ТОНГ ЮЛДУЗИ

№44
(6562)
28 декабр, 1993 йил
СЕШАНБА
Сотувда эркин нархда.

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

УКАЖОНИМ МЕНИНГ, КЎНГЛИ ХАЛҚЧА БОР...

Қор эмас, юракка келса баҳорлар,
Синган кишанларда кўкарса орлар.
Майса шабнамидек дунёси борлар,
Сизга жуда илҳақ, нигоҳи чорлар
Янги йил келмоқда, ранги муборак,
Юртга муҳаббатнинг жанги муборак.

Севинч, гуссалар-да охор кияди,
Тойлар излаяпти ёлдор бияни.
Тоглар кутаяпти, борми суйгани
Кўнгиллар кирини артиб, ювгани
Янги йил келмоқда, армон муборак,
Янгидан-янгича замон муборак.

Минг тусда, минг ҳисда товланадир дам,
Алдатиб, алданиб овланадир дам.
Шоҳ Машраб хуржуни ямоғида жам,
Носоро Исога ёқиб қўйган шам
Янги йил келмоқда, иси муборак,
Бегубор кунларнинг исми муборак.

Беҳол далаларни тўлдириб ўтгин,
Бемор болаларни ўргилиб ўтгин.
Бедор аллаларни кулдириб ўтгин
Бекор галаларни сўлдириб ўтгин
Янги йил келмоқда ҳалол саодат,
Қанийди барчада бўлсайди одат.

Онажоним менинг, кўнгли дардча бор,
Отажоним менинг, кўнгли шарқча бор.
Укажоним менинг, кўнгли халқча бор,
Сингилжоним менинг, кўнгли бахтча бор.
Янги йил келмоқда, бу йил муборак,
Ёниб-ендирмоққа кўнгил муборак.

Вафо ФАЙЗУЛЛО.

ДИҚҚАТ! ҲАММА-ҲАММАГА!

1992 йилнинг 30 декабр куни "Тонг юлдузи" газетаси муҳарририятининг 619-хонасидан сирли равишда Бўғирсоқ йўқолган. Унинг белгилари: юмалоққина, қизариб пишган, пўрсилдоқ. Уни кўрганлар, билганлар бизга ёки яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришсин. Бўғирсоқни топиб келтирган рағбатлантирилади.

Ўшанда биз шу ёлонни бериб, Бўғирсоқни роса қидирмоқчи ҳам бўлганмиз, бекинди. Аммо, одамлар нима дерди? Сиз-чи, болалар, бизни тушунармидингиз? Қолаверса, ўзимиз ҳам ғалати аҳволда қолар эдик-да. Бутун республикамиз "Тонг юлдузи" бўғирсоқ ҳақида янги эртак тўқибди" деган дув-дув гап тарқаларди... Нима бўлганда ҳам ўшанда Бўғирсоқ оёқ чиқариб кетган ё иштаҳаси зўр кимса "билса ҳазил, билмаса чин" деб (ош бўлсин) паққос туширган. Биз эса қўшни хонада газетамизнинг янги йил байрам сони режасини муҳокама қилиб ўтираверганмиз. Энди Сиз айтарсиз: "Ўтган гапни қўзғашдан не ҳожат" деб. Ахир айтак тилимиз, айтмасак — дилимиз куяди, биродар. Бўғирсоқ можароси ҳали-ҳануз бизга тинчлик бермайди. Орамизда ҳамон унинг сирли йўқолиши ҳақида турли миш-мишлар юради. Қай биримиз буни "эртак" десак, қай биримиз "рост" деймиз. Яхшиси, Сиз, келинг, гувоҳлар берган кўрсатмаларга қулоқ тутинг. Биз ила Бўғирсоқнинг саргузаштларига шерик бўлинг.

Гувоҳ: Акрам БЕРДИМУРОДОВ, бош муҳаррир.

Бўғирсоқнинг янги саргузаштлари

— Ҳақиқатан ҳам ўтган йили янги йил арафасида байрам дастурхонимиздан сирли равишда Бўғирсоқ йўқолгани рост. Уни рассом қизимиз Дилрабо пишириб келган эди. Мен ўшанда ўтиришимиздан аввал қилган ва бўлажак ишларимиз ҳақида фикрлашиб олайлик, деб ходимларимизни йиғдим. Анча гаплашдик. Шу орада масъул котибимиз Музаффар телефони узлуксиз жиринглаётганини айтиб, хонадан чиқиб-киргани ҳам эсимда. Кейин эса нозу неъматлар билан безатилган дастурхон атрофида жамул-жам бўлдик. Бир-биримизга яхши ниятлар билдирдик, едик, ичдик. Бир маҳал қарасак, Бўғирсоқ йўқ. Ҳадеб топилавермагач, бир-биримизга "ҳазил ҳам эви билан-да" деб кўрдик. Лекин барибир мўъжиза рўй бермади...

Кутилган-кутилмаган, ажойиб-ғаройиб ҳодисалар эса кейинроқ бошланди: қора чой дамласам, кўк чиқади; қўлимдаги ручка бир йўла тўрт-беш хил ранг ёзади; иш столимнинг тортмаларига кимдир ширинликлар солиб кетади. Энг қизиғи шуки, хонамдан чиқаётган товуш ва гапларни ўзимдан бошқа ҳеч ким эшитмайди.

Бир куни денг, тушликдан сўнг иш жойимда энди чой ичмоқчи бўлиб турувдим, ғалати овоз келди. Столим устида нимадир "шип-шип" этиб юргандек бўлди. Ва бирдан кимдир "Омин-омин, оминтой, тўймай қолди коринтой, тўйса эди коринтой, қилар эдим оминтой" деб шеър ўқиди. Мен нималар бўлаётганини ҳали тушуниб ҳам улгурмасимдан, бир юмалаб, кўз ўнгимда Бўғирсоқ пайдо бўлди. Бу ўша, сирли равишда ғойиб бўлган Бўғирсоқ эди. Қўлларини белига қўйганча:

— Қани, чой! — деди у, — қуйинг, ўртоқ муҳаррир. — деди у бир маҳал. Қуйдим. Ҳайратдан... ...ойилланмасди.

— Танидингизми? — деди яна у.

— Ҳа.

— Нега... ...ўлмаса... ...хурсанд ...маисиз, ...дунингизни осмонга отмайсиз?

— Қонил... ...ҳаммамизни ғалати аҳволга солиб юрган сен экансанда...

— Ҳаяжонланманг, ўртоқ муҳаррир, ...ҳали ...бунда... "...ларини" кўрасиз, ...ҳозир эса вақтим энг... бошқа хонадагиларнинг ...ҳам ...ёнасини қотириб кетишим керак. Нима, ошхоналарингизда кабоб, сомса қилинмайдими, коринни ҳам бундай тузукроқ тўйдира олмадим. Ҳа, майли, гап бундай. Кўпроқ Республикамиз болаларини ўйлашимиз керак. Токи улар доим соғлом, зеҳни ўткир ва қувноқ бўлишсин. Қалай, "Соғлом авлод учун" орденининг таъсис этилиши ҳам зўр иш бўлди-а? "Истеъдод" жамғармасининг тузилгани-чи?..

— Зўр ҳам гапми, Бўғирсоқ...

— Мана кўрасиз, ҳали ҳамма мактаблар компьютерлаштирилади. Республикамизнинг энг сўлим ва хушманзара жойларига болалар учун бир эмас, иккита катта-катта оромгоҳлар қурилади. Уларда ҳатто бошқа мамлакатларнинг болалари ҳам дам олишади. Бир-бирлари билан инглиз, француз, турк тилларида "вижир-вижир" гаплашишади, борди-келди қилишади. Яқин келажакда эса республикамизда болалар учун тўйимли ва турли витаминларга бой озиқ-овқатлар, қандолат маҳсулотлари ҳамда шарбатлар таркиби устида ишлайдиган бутун бир институт очилиб қолса, ажабмас. Мана, мени айтди дерсиз, ўртоқ муҳаррир, шундай бўлади, омон бўлинг...

Тушимми-ўнгимми билмай қолдим. Бўғирсоқ қандай пайдо бўлган бўлса, шундай ғойиб бўлди. Мен эса унинг қилган башоратлари ижобат бўлишини истаб, қолавердим...

***

(Бўғирсоқнинг бошқа саргузаштлари ҳақида эса газетамизнинг ички саҳифаларида ҳикоя қиламиз).

Бўйрисоқнинг янги саргузаштлари

1994

Гувоҳ:
Музаффар ПИРМАТОВ,
масъул котиб.

— Менинг Бўғирсоқнинг қочиб кетишига умуман алоқам йўқ. Агар билсангиз, худди ана шу куни мен ўтирадиган 617-хонадан ҳам рангли қалам, чизғич ва суратлар йўқолиб, газетамизнинг 1993 йил 3 январ сони чиқмай қолганди. Шунинг учун қаттиқ хайфсан ҳам олганман. Ўшанда мен ҳам хонамга Бўғирсоқ ўғриликка кирган деб ўйлагандим, аммо...

Эрталаб ишга келсам, хонамдаги чойнакда тўла чой. Ҳозир дамлангандек қайноқ. Хонамнинг яна бир калити фаррошда эканлиги эсимга тушиб: "Саҳарлаб келади, чанқаган бўлса ичгандир", деб эътибор бермадим. Тушликдан сўнг, келгуси сон учун мақолаларни саҳифалаб бошладим. Биринчи саҳифани тугатиб, уйга кетдим. Эртаси эса ишга келсам, тўрт саҳифа ҳам тайёр. Ҳайрон бўлдим. Жуда чиройли саҳифаланган. Хонага ким кирган бўлиши мумкин? Келгуси ҳафтани кута бошладим. Газетани саҳифалайдиган куни суратларни, мақолаларни стол устига қўйиб, эшикни ичкаридан қулфладим-да ўзим шкаф ичига беркиниб олдим. Кутавериб, ухлаб қолган эканман, кучли шовкиндан уйғониб кетдим. Тонг отиб қолган экан. Қарасам... Учар ликобча. Ҳаммаёқни ёритиб ойнадан ўтди-да хонамга келиб тўхтади. Эшиги кўтарилди. Ликобча ичида... Аввалига ўзим ҳам ишонмадим. Қарасам... Бўғирсоқ чолги ушлаб турибди. Кўркиб кетдим.Бўғирсоқни таниб бўлмасди. Пешонасида компьютер экрани. Стулимга ўтириб, мақолаларни кўздан кечирди. Чап кафтини ўнг қўл бармоклари билан боса бошлади. Не кўз билан кўрайки, экранда ҳар бир мақола сарлавҳаси, неча бетдан иборатлиги ва суратлар ҳажми ёзила бошланди. Ҳаммаси ёзилгач, қорнидан тайёр саҳифалар чиқа бошлади. Биринчи бет, икки, уч, тўрт... Тугатгач, чой қуйиб ичди. Чурқ этолмадим. Бир вақт ликобчага чиқди-да яна учиб кетди.

Келгуси ҳафта яна саҳифалаб кетибди. Ўрганиб қолган эканман шу тарика етти ой маза қилиб "ишладим". Ҳар ҳафта мақола, суратларни тўплайманда, столим устига қўйиб кетавераман. Эртасига келсам...

Кунларнинг бирида Бўғирсоққа миннатдорчилик мактуби қолдирдим:

"Муҳтарам Бўғирсоқ Бўғирсоқович!

Менга қилаётган бу ёрдамингиздан гоят миннатдорман. Сиз туфайли газетамиз безатилиши яхшиланди. 1991 йил "Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари газета ва ойномаларнинг безатилиши, конкурсида бизнинг "Тонг юлдузи" газетамиз фахрли биринчи ўринни эгаллади. Бунда, албатта, Сизнинг хизматларингиз бекиёс. Ҳозирча буни муҳарририятимиз ходимлари билишмайди. Сизнинг бу яхшиликларингизни қандай қайтаришга ҳам хайронман. Яқинда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллигини нишонлаймиз. Шу сана муносабати билан Сизга газетамиз "Фахрий ёрлиг"и беришни режалаштириб турибман. Тўғрисини айтсам, Сиз газетани ўрнимга саҳифалаб бошлаганингиздан буён бироз эринчок бўлиб қолибман. Қўлим ишга бормаяпти. Шунинг учун бугун Сизга газетани саҳифалашингиздан ташқари қўшимча яна бир иш ташлаб кетаяпман. Бу ончалик қийин иш эмас. Газетада мақоласи чоп этилган муаллифларга қалам ҳақини бўлиб чиқасиз. Бир сонга қалам ҳақи 8.500 сўм. Ишонаманки, бу юксак вазифани ҳам сиз аъло даражада уддалайсиз.

Сизга олдиндан миннатдорчилик билдириб, маъсул котиб:

М. Пирматов".

Мактубдан сўнг ишим чаппасига кетди. Хотиржам, газета саҳифаланган, қалам ҳақлари тақсимланган деб ишга келсам... Тўрт саҳифада ҳам каттакон Тулки сурати, сарлавҳалар ўрнида —

Тулкидек айёрлик инсонга ётдир,
Майда чақа бўлиш уят, исноддир.

деган ёзув турибди.

Мана, сизга бор ҳанғома...

Гувоҳ: Дилдора ТУРАХМЕТОВА,
катта мухбир.

— Аслида мен қандай ҳам гувоҳ бўла олар эдим. Чунки ўзим-да бошқалар сингари Бўғирсоқни бир йилдан бери ахтараман. У ҳақда бирон хабар эшитганмикан, деб сўрамаган одамим қолмади. Мамлакатимиз бўйича эълон қилинган қидирув натижа бермагач, биз ҳорижликлардан ҳам суриштира бошладик. Тошкентда бўлиб ўтган "Иш ватандошлар" халқаро фестивалида иштирок этган ва пойтахтга меҳмон бўлиб келганлардан ҳам, июл ойида бизнинг диёримизда дам олиб, саёҳат қилишга отланган американлик ўқувчилар Жазми Жорден, Амара Томасдан ҳам, таътилда Туркияда бўлиб ўтган "Табиат ва сен" Халқаро лойиҳа мусобақасида иштирок этиб қайтган турк эркаклар лицейи талабалари Нуриддин Икромов, Дилмуҳаммад Камолов кабилардан ҳам Бўғирсоқ ҳақида сўраб-суриштирдик. Бирон аниқ маълумот олиш қийин бўлди. Аммо гап орасида унинг Америка ва Туркия таълим системаси билан, мактаб ва лицейлари, гимназиялари билан танишиб кўрганлари борлиги аниқланди. Яқинда эса Тошкентда Женевадаги скаутлар ҳаракатининг Бутунжаҳон ташкилоти штаб-квартираси вакили Жан Касильон меҳмон бўлди. Биз ўзаро суҳбатдан кейин у кишидан ҳам Бўғирсоқ ҳақида сўрадик.

— Ростини айтганда, — деди у, — мен унинг скаутлар ҳаракатига жуда қизиқиб қолганлигини эшитгандим. Биласиз, бу ҳаракат аъзоларининг мақсади юксак — улар ўз фикрлари ва дунёқарашларини ривожлантиришга интилишади, бошқалар оддидаги бурчларига содиқ бўлишади. Бу эса Бўғирсоққа жуда маъқул келибди ва у бизнинг ҳаракатимизга аъзо бўлибди. Бир қанча фойдали ишларда иштирок этганини биламан. Кейин эса ўз сафарини давом эттириш ниятида ўзга юртларга кетган, деган маълумот бор.

Яна шуни қўшимча қилишим мумкинки, Бўғирсоқ яқинда мактуб йўллабди. Мактубдаги маълумотлар сизни қизиқтиришини билганим учун уни тўллалигича ўқиб бераман:

"Сизлардан қочиб кўп яхши ишларнинг гувоҳи бўлдим. Ўзим эртакдан пайдо бўлганлигим учун эртак ўқишга қизиқмаман. Шу сабаб ўқиш, ёзишни ўрганиш учун мактабларга бордим. У ерда таништан, дўстлашиб олган болаларнинг айтишларича, мактабларда кейинги йиллар ичида кўп яхши ишчиликлар амалга оширилибди.

Бир қанча мактабларда бирор фанни чуқур ўрганишга ихтисослаштирилган синфлар, кимчи йўналишдаги гимназия ва лицейлар ташкил этилибди. Иқтисод, чет тилларини ўрганишга ихтисослаштирилган турк-ўзбек лицейлари ташкил этилиб, болалар бу илм даргоҳларида қизиқиш билан таълим олишмоқда. Мактаблар қошида, болалар ижод марказларида ташкил этилган тўгаракларда улар дарсларда олган билимларини мустаҳкамлаш билан бирга қунар ўрганишга жиддий киришишибди. Бугун улар орасида ота-боболаримиз шарафини жаҳонга ёйган қулолчилик, мисгарлик, нақшинкор биноийдек қўлидан келиб қолганлар кам эмас экан.

Болалар, ўқитувчилар ҳам кейинги икки йил ичида ўрта мактаблар учун чиқарилаётган дарсликлар ҳақиқатга бой ва янги маълумотлар билан тўлдирилганлигини, бу эса уларда илм олишга қизиқишни янада орттираётганини айтиб ўтишди.

Сиз айтмоқчисиз, жуда кўп. Йил давомида, қочиб юрган кезларимда мен бир нарсага амин бўлдим — Ўзбекистонда ёшлар учун, болаларнинг бахтли ҳаёт кечиришлари ва билимли, ўқишишли, қунарли бўлишлари учун ҳамма шароитлар яратилаётган экан.

Ҳукумат қарор ва фармонларини ўқиб, саёҳат қилиб, уларга қай даражада амал қилинаётганини кўзим билан кўриб, Сизлар мени ей қўйганларингизда буларнинг бирортасидан бехабар қолишимни ҳис этдим ва бу иш умуман ҳақиқатга тўғри келмаслигига ишондим. Шу ва яна бошқа — дунёни таниш давом этиш, яшиликлардан воқиф бўлиш мақсадида сизлардан қочиб юриб, мактабларимни ҳам ёмасликка қарор қилдим. Ҳозирча хайр, Бўғирсоқ."

Бу мактубдан ташқари қилиб органларнинг эътиборига яна бир қанча маълумотларни айтиб ўтмоқчиман. Кўрган-билганларнинг айтишларига қарганда, Бўғирсоқ Ўзбекистон Болалар ва Ўсмирлар Уюшмаси ташаббуси билан ташкил этилган Республика ноёб болаларнинг II "Меҳрибонлик" фестивалида, Ёш ҳуқуқшуносларнинг I Республика олимпиадасида, XVII Республика "Саломатликнинг ёш дўстлари" слётида ҳам бўлиб, унинг иштирокчилари билан роса ўйнабкулмаганини кўрганлар бор. Кейин эса яна кўздан ғойиб бўлибди. Мана, билганларимнинг бори — шу!

Гувоҳ:
Феруза ЖАЛИЛОВА,
катта мухбир.

— Бўғирсоқвойни мен охирги марта бундан 5-6 ой аввал кўрган эдим. Лекин, Келинг, яхшиси бошидан сўзлаб бера қолай.

...Бир куни хонамда ёзган мақоламинг устидан қайта ўқиб ўтирган эдим. Ўзимиз билансиз, бир камчилигим бор, мақолани ёзишга ёзаману сарлавҳа тополмай анчагача хунаб бўламан. Кўпинча топган сарлавҳам муҳарриримизга маъқул келмай, "яна бир ўйлаб кўринг" дея қайтариб беради. Ўша куни ҳам шундай бўлган эди. Суд залидан репортаж тайёрлаб, мақоламни ёзиб ҳам бўлдимки, сарлавҳаси тушмагур келмайди-да. Шу пайт тўсатдан эшик охистагина очилиб қолди. Ким бўлди экан-а, дея эшик томон юзландим. Қарасам, ҳеч ким кирмади. Эшик қандай очилган бўлса, шундай охистагина ёпилди. Ёлка кисиб, яна мақоламни ўқишга тушдим. Шу пайт нима бўлди деиг? Иш столим устига каттакон коптоқ келиб тушгандек бўлди. Чўчиб кетдим. Қарасам, не кўз билан кўрайки, яччадан буён бизга тутқич бермай келаётган Бўғирсоқвой! "Салом!" деди мунчоқдек кўзлари яшнаб. "Са-а-лом" — дедим мен ҳам бироз ҳушимни йиғиб. Сўнгра ҳол-аҳвол сўраша кетдик.

— Кўринмай кетдинг, Бўғирсоқвой? — дедим кўнглимга кўл солиб.

— Эй, нимасини айтай, — ҳасрати очилиб кетди унинг. — Музаффаржон исмли масъул котибимиз бор экан. Кузатиб турсам, ишлари жуда кўп, бир томонда ўқишлари. Кел, — дедим ўзимча, — бироз ёрдамлашиб юборай. Анча вақтгача кўмакдашиб юрдим. Иш ўрганиб, тажрибаси ортиб борар десам, қаёқда, менга орқа қилиб, кундан-кунга данг-саллашиб борянти. Хафсалам пир бўлиб кетди-е... Хўш, ўзинг қалайсан?

— Менми, мен ҳалиги ёрдамлашиб юборар деган ялинжда дилимдагини айтиб кўя қолдим) мақола ёзиш эдим. Шу тўсатдан сарлавҳа тополмай... Фикр қурғир келмаяпти-да...

Бўғирсоқвой мақолами кўз югуртирган бўлди-да, "Сарлавҳаси ўзи билан экан-ку! "Ҳали ёш, ювош Рустамжон" деди. Қонфет тошиб олган боладек севиниб кетдим. Шушу бўлди-ю Бўғирсоқвойнинг маслаҳатлари, йўл-йўриқлари, фикрлари билан бир қатор мақолалар қораладим. (Тўғриси, ўқ қораладим, мен эса устидан ўқиб, "муаллиф" деган жойига ямо чиб ўтиравердим). Бўғирсоқвой, йўр-э мен тайёрлаган "Шанба — ота-оналар куни", "Нилуфар", "Хандобус", кичик ёшдаги даҳолар ҳақидаги сахифаларим, уюштирган "Чаплақайлар" конкурсин, болалар учун берио борадётган ишларим сабоқларим, "Хунар — ўнардан унар" рукни остидаги, "Томошанинг томошалари" ҳақидаги мақолаларим кетма-кет газета юзини кўра бошлади. Қисқаси, кейинги сонга нима тайёрласам, қаерга бориб келсам экан-а, деган ташвишлардан қутилдим.

Ялло қилиб юрган кунларимнинг бирида ишхонамиз орқасида овқатланиб чиққан бўлишимга қарамай яна очиқиб кетавердим. Нима қилсам экан-а, дея ҳовлига кирсам, Бўғирсоқвой ўтирибди, Юмалоққина, икки юзи қип-қизариб пишган. Қилдим айтмайсизми, ҳидини. Иштаҳани қитиқлаб, бутун хонани тутиб кетибди. Аллақандай қўшиқ ҳиргойи қилиб, бир нарсалар қоралаб ўтирибди.

— Бўғирсоқвой, қандай қўшиқ куйлаяпсан, — дедим оҳиста авраб, — овозинг мунча майин бўлмаса?! Менга яқинроқ келиб куйлагин...

Гапим оғзимда қолди. Кутилмаганда Бўғирсоқвойнинг юзлари тунд тортилди, қўлидаги қаламини улоқтириб, думалаб-думалаб зинадардан тушиб кетар экан:

Бош муҳаррирингиздан қочдим,
Тутолмади Музаффар.
Яшилликка ёмонлик,
Севдан қочгум бу сафар...

деганича аллақаёққа жўнди-кетди.

Шу-шу уни қайтиб кўргним йўқ...

Гувоҳ:
Шакар СУННАТОВ,
катта мухбир.

Илгаридан "Инсон мўъжизаларни кутиб яшайди", деган фикрга ишонмасдим, ишона олмасдим, шаккок туйғуларим: "Ўзгалар билимига эмас, ўз билимингга ишон" дерди. Дунёда менинг ҳайратимни оширувчи ҳеч бир мўъжиза қолмаган ҳисобдай. Чунки бу қари дунёда кашфиётчилар оз ўтганми, деб ўйлардим. Бироқ яқинда...

Э, шошилманг, воқеаларни бир бошдан тартиб билан айтиб бермасам, ҳаммаси чалкаш бўлиб кетди, калава... калаванинг учи қайда қолди, ҳа, мана экан.

Ўша куни маҳзун эдим, баногоҳ эшик тақиллади. "Киринг", дедим ўқмкфармо. Эшик очилиб, у кирди. Гуё эртақдан чиққан мўъжиза эди, мўъжиза — мукаммал инсон шаклидаги Бўғирсоқ.

— Менким, болаларнинг севимли қаҳрамони Бўғирсоқман, — дея ўзини таништирган бўлди у ўриндиққа жойлашар экан. — Ўтган йили эртақдан чиқиб, узоқ-узоқ юртларга саёҳатларга бордим. Лекин севимли газетам "Тонг юлдузи"ни ҳеч вақт кўлимдан қўймасдим, раҳмат сизларга, баракали меҳнат қилдинглар. Ахир шундай қийин замонда бу осон гапмас.

Энди, адабиётчи ака, сиздан бир илтимосим бор, яъники "Ижодкор ўқувчилар конкурси"га мен ҳам ўз машқ...им билан қатнашмоқчиман, ҳакамлар ҳайъатининг фикр-мулоҳазаларини эшитсам, деган ҳолис бир ниятда келувдим.

— Марҳамат.

— Бўлари саёҳатга чиқмасдан олдинроқ, ўйқусиз тунларимнинг бирида қоралаганман.

Бўғирсоқ ёзади:

"Ў ўн икки ёшиданоқ борлиқнинг нақадар катталиги, ўзининг чумолидек кичиклиги тўғрисида бир фикрга келиб, улар орасида "хатлаб" бўлмайдиган чегара борлигига ишонган эди. Шундан сўнг ўзининг кўк дафтарига "Инсон мавҳуматга тўла борлиқнинг бир заррачаси, лекин унинг онги тўлишган сари ҳаётни билиб боради. Демак, билиш — ожизликдан буюклик томон юришдир"

— Бўғирсоқ, анча гаройиб ёзаркансан, демоқчиманки, мантиқий таҳлил ўқувчиларга огирлик қилмасмикан?

— Йўқ, деб ўйлайман. Ахир конкурсда эълон қилинган З. Қурбон, Ш. Отамуродов, И. Даурбоева кабиларнинг шеърлари ҳам ўзгача шаклда-ку.

— Бу машкингда демоқчисанки...

— Тишшш... шш... шшш. Бу ёги тенгдошларимга ҳавола.

— Хўш, сенида "Ижодкор ўқувчилар конкурси"нинг голиблари сафида кўрмак истайман. Дарвоқе, янги йилинг билан.

— Сизни ҳам!

У чиқиб кетар экан ўйладим: "Ҳартугул инсон мўъжиза кутиб яшайди, илло мўъжиза — ҳайрат демак".

Кўнгил шод, ҳаёт пурмаъно касб этмоқда.

Гувоҳ: Дилрабо ПАРПИЕВА, рассом.

— Бўғирсоқнинг белгиларини биласизми, дейсизми? Билганда қандоқ! Ўзим пишираману билмайманми!

... Ўтган янги йил арафасида кичкинагина дастурхон безатиб, ўтириш қилмоқчи бўлган эдик. Ҳар ким дастурхонга имкон қадар бирор нарса пишириб келиши керак эди.

Ўйга келиб, нима пишириш ҳақида ўйландим. Охири бир қарорга келдим: бўғирсоқ пиширсам-чи! Шундай қилдим ҳам. Ўзиям бўғирсоқмисан, бўғирсоқ чиқибди-да. Икки юзи қип-қизил, пўрсилдоқ, юмалоққина. Икки жуфт мунчоқдек кўзларию кулоғига етгудек оғзи ҳам бор. Яна бир жуфт оёғини ҳам чизай, йўт-э, ясамоқчи бўздиму, қўй дедим. Тагин Бўғирсоғимиз- худди эртақдагидек биздан ҳам қочиб кетмасин, деган ҳаёлга бордим.

Кўйғлим сезган эканми, айтганимдек бўлиб чиқди. Бўғирсоқвой оёқсиз ҳам қочиб кетибди. Бечора Бўғирсоққинам, ҳозир қаерларда юрган экан-а?!

Гувоҳ: Насима НИҒМАТОВА,
машинкачи.

Бир бор экан, бир йўқ экан... э-э, Бўғирсоқ деганингизга, эртакка ўхшатиб юборибман. Аслида, ўшанда дастурхонда турган, ҳамманинг иштаҳасини қўзғатиб юборган Бўғирсоққа жуда қўнглим кетганди. Шу орада кейинги сонимизни режалаштириб олишга чақиришдида, шу Бўғирсоқдан татиб кўрмаганим армон бўлиб қолди. Пўрсилдоқ, қип-қизаригина пишган бундай Бўғирсоқни бошқа ҳеч қаерда учратмадим.

Мен ҳам, бошқалар ҳам йил бўйи ўтган байрамларда — Наврўзда, Ҳайит кунларида, Мустақиллигимизнинг икки йиллигини нишонлаш кунларидаги дастурхонларда пиширилган хуштаъм бўғирсоқларни кўришган, улардан татишган. Аммо бирортаси ўзимизнинг Бўғирсоққа ўхшамади. Шунинг учун ҳам унинг йўқолгани ҳақидаги хабарни машинкамда кўчириб бераётиб, жуда афсусландим. Ҳар қалай шунча қидирувлардан сўнг уни кўришга муяссар бўлсам, армоним йўқ эди.



Гувоҳ: Р. АЛЬБЕКОВ,
сураткаш.

— Эрталаб ишга келдим, аппарат солинган сумкани стол устида қолдириб, ташқариладим. Қайтиб кирсам сумка ҳам, аппарат ҳам йўқ, тушунмаяпсизми, ҳозиргина икки дақиқа олдин стол устида қолдирган иш қуролим йўқ эди. Хонадошлардан сўрадим — жим. Тўғриси, жуда жаҳлим чиқди, наҳотки, аппаратдан айрилиб қолсам деган ўй вахимага солди мени. Ахир ҳозирги пайтда палон пул-а... Ҳолсиз ўриндиққа чўкдим. Бир вақт эшик очилиб, Бўғирсоқ кирди, қўлида менинг аппаратим. "Суратга тушмаган сизлар қолдинглар, қолган ҳамкасбларинг ҳаммаси тушди. Қани шошилайлик", деди. Ҳайрон бўлиб: "Нега энди биз суратга тушишимиз керак?" дедим.

"Бу газетага, янги йил сони фақат сизларга ва менга бағишланди" — деди у жилмайиб.

Шундай қилиб, биз ҳам суратга тушдик. Бир гап, агар суратлар яхши чиқмаган бўлса, айб менда эмас. Бўғирсоққа хат ёзинг.

Охири нима бўлганини 4-бетда ўқийсиз.

Бизни кечир, Леопольд!

Умид ЭГАМҚУЛОВнинг сиз севган мультфильмдан чизган расмлари.

КЕЧИРАСИЗ

Ўнг қўлни чап қўл билан
Бехосдан уриб олдим.
Раҳмим келиб қўлимга
Кечирасиз, деб қўйдим.

КЕТМОН

Кунда ишлаб кечаси,
Тикка туриб дам олар,
Эгатнинг орасида
Тек туриб, ухлаб қолар.
Тонг отиб деҳқон кетар
Уни елкага олиб.
Кетмон қўшиқ айтади
Елкасига осилиб.

ОНА ҚИШЛОҒИМГА

Тоғлар этагида жойлашган маскан,
Ўнқир-чўнқир йўли ҳуснига ҳусн.
Соғиниб доимо кўргим келади,
Кичиккина, гўзал Ватаним тусин.

Қишлоғим меҳнатдан топади ғурур,
Кўкламнинг илк кунин кутади ҳар дам.
Ёз фасли келганда қишлоқ хуснидек
Ловуллаб етади бугдойзорлар ҳам.

Боболарнинг сўзин эшитсак бу кун
Яхшилик тилайди дуолар очиб.
Тонгларинг гўзалдир, она қишлоғим
Йўлларингдан кетган шайтонлар қочиб.

Кўкламинг шамолин кўрарман бир кун,
Юрагим сенинг бир суруринг тўйсин.
Яхшилик тилайман келажагингга
Бугдойзоринг доимо шовиллаб турсин.

Шоди ОТАМУРОДОВ,
Пойтахтдаги Нафис санъат мактаби ўқувчиси.

СЎНГГИ СЎЗ

Мана, Янги йил ҳам яқинлашиб қолди. Бўғирсоқвойдан эса ҳамон дарак йўқ. Байрам учун яна тайёргарлик кўра бошладик. Аммо Бўғирсоқвойнинг ўрни жуда билинарди. Энди байрамни унинг билан биргаликда ўтказишдан умидимизни узаб, чиройли дастурхон тузатиб, стол атрофига йиғилган ҳам эдикки, эшик оҳиста очилиб қолди. Ва кўзларимизни яшнатиб, биз йил давомида интиқ бўлиб кутган Бўғирсоқвой кириб келди. Ҳаммамиз севиниб кетдик. Уни дастурхон атрофига таклиф қилдик. Байрамни тантана қилиш билан биргаликда ҳаммамиз келажак режалари, янги йилда газетамиз саҳифаларида бериладиган мақолалар, янгича рукн ва саҳифаларимиз ҳақида маслаҳатлашиб олдик. Бўғирсоқвой ҳам келажакдаги орзу-умидларимизга ошно бўлди, ўз навбатида жуда қизиқарли фикрлар ҳам билдирди. Қандай фикрлар экан, дейсизми? Бироз шошманг, булар ҳақида газетамизнинг келгуси йилдаги сонларида ўқиб борасиз. Албатта, унга обуна бўлган бўлсангиз! Янги йилда учрашгунча ХАЙР!

Бош муҳаррир: Акром БЕРДИМУРОДОВ.

Таҳрир ҳайъати:
С. БАРНОЕВ, М. ДАВЛЯТОВА, Ф. ЖАЛИЛОВА, А. КЎЧИМОВ, М. ПИРМАТОВ /масъул котиб/, Ш. СУННАТОВ, Д. ТУРАХМЕТОВА.

Таъсис этувчилар:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учқуни» номи билан чиқа бошлаган.

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.

Маълумот учун телефон: 33-49-45

Бизнинг манзилгоҳ:
700083. ТОШКЕНТ ШАҲРИ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ-32 УЙ
Нашр кўрсаткичи: 64563

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. "ШАРҚ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Буюртма № Г – 700. 29311 нусхада босилди. Ҳажми – 1 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қогоз бичими А – 3.
Босишга топшириш вақти 19.00. Босишга топширилди 19.00. 1 2 3 4 5 6